

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ**

**«ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ»**  
факультети

«Қишлоқ хўжалиги  
гидротехник мелиорацияси»  
кафедраси

«Химояга рухсат берилди»  
Кафедра мудири  
доц.И.А.Бегматов\_\_\_\_\_

«\_\_\_\_\_»\_\_\_\_\_2013й.

Бакалавр даражасини олиш учун

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ  
ИШИ**

**Мавзу: Қашқадарё вилояти, Қамаши туманидаги «Феруз Жўра ўғли»  
фермер хўжалиги ерларида тежамкор суғориш усулидан  
фойдаланиш.**

Бажарди:

О.Т.Хайдаров

Раҳбар:

доц: Ш.Ч.Ботиров

**ТОШКЕНТ-2013**

## ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ

(Олий ўқув юрти)

**ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ** факультети **ҚХГМ** кафедраси

Сув хўжалиги ва мелиорация йўналиши 4 курс 3 гуруҳ

## «ТАСДИҚЛАЙМАН»

Кафедра мудири \_\_\_\_\_

2012 йил «\_\_» \_\_\_\_\_

## БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба

Хайдаров Ориф Тоштурдиев

(фамилия, исми, отасининг исми)

1. Битирув ишининг мавзуси: Қашқадарё вилояти, Қамаш туманидаги «Феруз Жўра ўғли» фермер хўжалиги ерларида тежамкор суғориш усулидан фойдаланиш.

Институтнинг " 3 " 12 2012 й. № 645/т сонли буйруғи билан тасдиқланган.

2. Битирув ишини топшириш муддати 31.05.2013 й

3. Битирув ишини бажаришга доир бошланғич маълумотлар

Фермер хўжалиги бош плани, тупроқ харитаси, иқлим шароитлари.

4. Ҳисоблаш – тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати)

Кириш

I. Умумий қисм

II. Техник қисм

III. ГМ ишларини ташкил қилиш

IV. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги

V. Табиатни муҳофаза қилиш

VI. Иқтисодий қисм

Адабиётлар

Интернетдан олинган маълумотлар

5. Чизма ишлари рўйхати (чизмалар номи аниқ кўрсатилади)

1. Фермер хўжалиги бош плани

2. Келтирилган гидромодуль графиги

3. Нов каналларини қуришда ГМ ишларини ташкил этиш.

4. Нов каналларини қуришда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.

5. Лойиҳанинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари.

## 6. Битирув иши бўйича маслаҳатчилар:

| №  | Бўлим мавзуси         | Маслаҳатчи<br>ўқитувчи<br>ф.и.о. | Имзо, сана          |                       |
|----|-----------------------|----------------------------------|---------------------|-----------------------|
|    |                       |                                  | Топшириқ<br>берилди | Топшириқ<br>бажарилди |
| 1. | Барча бўлимлар бўйича | Ш.Ч.Ботиров                      | 28.02.2013й         | 30.05.2013й           |
| 2. |                       |                                  |                     |                       |
| 3. |                       |                                  |                     |                       |
| 4. |                       |                                  |                     |                       |

## 7. Битирув ишини бажариш режаси:

| № | Битирув иши<br>босқичларининг номи | Бажарилиш<br>муддати<br>(сана) | Текширувдан<br>ўтганлик<br>муддати |
|---|------------------------------------|--------------------------------|------------------------------------|
| 1 | Кириш                              | 28.02.2013й                    | 28.02.2013й                        |
| 2 | Умумий қисм                        | 26.03.2013й                    | 26.03.2013й                        |
| 3 | Техник қисм                        | 30.04.2013й                    | 30.04.2013й                        |
| 4 | Гм ишларини ташкил қилиш           | 7.05.2013й                     | 7.05.2013й                         |
| 5 | Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги          | 14.05.2013й                    | 14.05.2013й                        |
| 6 | Табиатни муҳофаза қилиш            | 21.05.2013й                    | 21.05.2013й                        |
| 7 | Иқтисодий қисм                     | 28.05.2013й                    | 28.05.2013й                        |
| 8 | Адабиётлар                         | 28.05.2013й                    | 28.05.2013й                        |
| 9 | Интернетдан олинган<br>маълумотлар | 30.05.2013й                    | 30.05.2013й                        |
|   |                                    |                                |                                    |
|   |                                    |                                |                                    |
|   |                                    |                                |                                    |

Битирув иши раҳбари Қ.х.ф.н. доц: Ш.Ч.БотировТопшириқни бажаришга олдим О.Т.ХайдаровТопшириқ берилган сана 15 январь2013 й

## МУНДАРИЖА

|                                                                                                                        |    |
|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| <b>КИРИШ</b>                                                                                                           | 3  |
| <b>I УМУМИЙ ҚИСМ</b>                                                                                                   |    |
| 1.1 Фермер хўжаликнинг жойлашган ўрни ва чегаралари                                                                    | 6  |
| 1.2 Фермер хўжаликнинг иқлим шарт-шароитлари                                                                           | 6  |
| 1.3 Тупроқ, геологик ва гидрогеологик шароитлари                                                                       | 7  |
| 1.4 Хўжаликнинг мавжуд суғориш ва зах қочириш тизимлари ҳолати                                                         | 8  |
| Хулоса                                                                                                                 | 9  |
| <b>II ТЕХНИК ҚИСМ</b>                                                                                                  |    |
| 2.1 Фермер хўжаликнинг ҳисобий ер фонди                                                                                | 12 |
| 2.2 Суғориш техникаси элементларини танлаш                                                                             | 14 |
| 2.3 Қишлоқ хўжалик экинларининг суғориш тартиби ва келтирилган гидромуоунинг ҳисоби                                    | 16 |
| 2.4 Фермер хўжалиги ички суғориш тармоқларининг сув сарфларини аниқлаш                                                 | 20 |
| 2.5 Суғориш тармоқларининг ҳисобий сув сарфларини аниқлаш                                                              | 24 |
| 2.6 Суғориш каналларининг гидравлик ҳисоби                                                                             | 26 |
| <b>III ГМ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ</b>                                                                                    |    |
| 3.1 Ишларни бажариш усуллари                                                                                           | 32 |
| 3.2 Иш ҳажмларини аниқлаш                                                                                              | 32 |
| 3.3 Машина ва механизмларни танлаш                                                                                     | 33 |
| 3.4 Машиналар иш унумдорлиги ва ишларни меҳнат сарфини аниқлаш                                                         | 35 |
| <b>IV ҲАЁТ ФАОЛИЯТ ХАВФСИЗЛИГИ</b>                                                                                     |    |
| 4.1 Ҳаёт фаолият хавфсизлигининг назарий асослари                                                                      | 40 |
| 4.2 Фуқаро муҳофазаси                                                                                                  | 42 |
| 4.3 Ёнғин хавфсизлиги. Ёнғиннинг сабаблари ва олдини олиш чора-тадбирлари. Ёнғиннинг сабаблари                         | 43 |
| 4.4 Жароҳатланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш                                                                   | 44 |
| <b>V ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ</b>                                                                                       |    |
| 5.1 Табиат муҳофазасининг норматив талаблари                                                                           | 46 |
| 5.2 Лойиҳада кўрсатилган тадбирлар ва уларни атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш                                           | 47 |
| <b>VI ИҚТИСОДИЙ ҚИСМ</b>                                                                                               |    |
| 6.1 Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида суғориладиган ер майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирлари | 49 |
| 6.2 Бу бўлимда фермер хўжалигининг иқтисодий масалаларини кўриб чиқамиз                                                | 55 |
| Хулоса                                                                                                                 | 62 |
| ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР                                                                                               | 63 |
| ИНТЕРНЕТДАН ОЛИНГАН МАЪЛУМОТЛАР                                                                                        | 65 |

## Кириш

Томчилатиб суғориш юқори даражада механизациялаштириш ва автоматлаштиришда сувни тежаш ва тупроқни муҳофаза қилиш талабларига жавоб берадиган суғориш усулларидан бири ҳисобланади.

Суғоришнинг бу усули микро сув ўтказувчи томизгичлар орқали кичкина диаметрли қувурлар ёрдамида суғориш сувини бевосита тупроқнинг ўсимликлар илдизлари жойлашган қатламига етказиб берилишига асосланган.

Томчилатиб суғоришнинг тамойиллиги ўсимликлар талаб қиладиган сув ва озуқа моддалари миқдорини ҳар бир ўсимликнинг илдизлари жойлашган зонасига берилишидан иборат. Бу эса тупроқларнинг мақбул сув – физик ва озуқавий режимини таъминлашга имкон яратади.

Томчилатиб суғоришнинг асосий афзаллиги шундан иборатки, тупроқнинг ўсимлик илдизлари жойлашган қатламида мақбул намлик даражасини узлуксиз таъминлай олишдадир.

Томчилатиб суғориш шароитида суғориш даврида тупроқ намлигининг ошиб кетиши ва суғоришлараро даврнинг охирида тупроқнинг минимал даражада қуриб қолиши кузатилмайди.

Тупроқда намликнинг ошиб кетмасдан доимий сақланиб туриши яхши аэрацияни таъминлайди. Суғориш суви билан бирга озуканинг берилиши тупроқда қулай озуқа режимини таъминлайди. Мақбул сув, озуқа ва ҳаво режимларининг мавжудлиги ўсимликларнинг биртекисда ўсиши ва ривожланишини таъминлайди, бу эса сезиларли даражада ҳосил сифатининг яхшиланиши ва ҳосилдорликнинг ортишига олиб келади.

Бўғни томчилатиб суғориш системаси ёрдамида суғориш автоматлаштиришни кенг жорий этиш учун имкониятлар яратади, бу эса ишчи кучи ва воситалардан фойдаланишни камайтиради. Кўпчилик томчилатиб суғориш тизимида бўғларга озиқлантирувчи моддаларни суғориш суви билан биргаликда бир вақтнинг ўзида берилиши кўзда тутилган. Бундай усул ўғитларни анча миқдорда (50 % - гача) тежашни таъминлайди, ва ўсимликларга ўғитларни анъанавий усул, яъни сепиб тарқатиб бериш усулига

нисбатан қулай озуқа режимини вужудга келтиради. Боғни томчилатиб суғорганда мавсумий суғориш меъёрининг камайиши унинг ривожланиши ва ҳосилдорлигига тескари таъсир кўрсатмайди. Аксинча, томчилатиб суғорганда ривожланишнинг жадаллашганлиги кузатилган, бу эса ҳосилдорликнинг ошишини таъминлайди.

Ўзбекистонда томчилатиб суғоришнинг самарадорлик даражасини баҳолаш бўйича ҳар хил корхоналар томонидан ўтказилган изланишлар бу усулни, Республиканинг суғорма деҳқончилигида жорий этиш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатади.

Томчилатиб суғориш анъанавий усулига нисбатан суғориш сувини 40 – 50% - гача тежаган ҳолда ва экинларга ишлов беришда ишчи кучидан фойдаланишни етарлича камайтириб, қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил етиштиришга имкон беради.

Ҳозирги вақтда Республикамизда ҳам қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун бир қатор ишлар қилинмоқда.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йилда Фармони чиқарилди. Бу фармонга кўра “Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Жамғармаси” ташкил этилди.

Шу билан бирга суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича 2008-2012 йилларга мўлжалланган Давлат Дастури қабул қилинди.

Юқоридаги дастур асосида Мелиоратив ишларни амалга ошириш учун қуйидалар амалга оширилди:

- Давлат бюджетидан 750 млрд.сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.
- “Ўзмелиомашлизинг” давлат лизинг компанияси ҳамда.
- 49 та давлат унитар корхоналари ташкил этилди.

2008-2012 йилларга мўлжалланган Давлат Дастури асосида ажратилган маблағ йиллар бўйича тадбирларга қуйидаги таркибда йўналтирилди.

| №     | Тадбирлар номи                                     | Жами<br>2008-2012 йй.<br>амалда | шу жумладан |         |         |         |         |
|-------|----------------------------------------------------|---------------------------------|-------------|---------|---------|---------|---------|
|       |                                                    |                                 | 2008 й.     | 2009 й. | 2010 й. | 2011 й. | 2012 й. |
| 1     | Реконструкция қилиш ва қуриш ишларига              | 307,5                           | 22,4        | 54,5    | 63,8    | 81,6    | 85,2    |
| 2     | Таъмирлаш ва тиклаш ишларига                       | 313,5                           | 38,6        | 48,1    | 59,2    | 77,0    | 90,6    |
| 3     | Лизинг асосида мелиоратив техникалар етказиб бериш | 127,6                           | 29,3        | 25,4    | 27,2    | 20,0    | 25,7    |
| Жами: |                                                    | 748,6                           | 90,3        | 128,0   | 150,2   | 178,6   | 201,5   |

2008-2012 йилларга мўлжалланган Давлат Дастури асосида амалга оширилган ишларнинг натижаси:

- 1200,1 минг гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди;
- Кучли ва ўртача шўрланган майдонлар 81,0 минг гектарга камайтирилди;
- 900 минг гектардан ортиқ майдонда сизот сувларининг сатҳи мақбул сатҳларда ушлаб турилишига эришилди.

Келгусида “Сув тежамкор технологияларни қўллаш” бўйича қуйидаги режалар тузилди.

- 2013 - 2017 йилларда фермерлар ва бошқа ердан фойдаланувчиларга 25 минг гектар майдонда томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш ва бунинг учун давлат ҳисобидан имтиёзли кредит бериш;

Тизим жорий этилган майдонларга 5 йил муддатга ягона ер солиғи тўлашдан озод этиш режалари ишлаб чиқилди.

Шу сабабли битирув малакавий ишимда Қашқадарё вилояти, Қамаш туманидаги «Феруз Жўра ўғли» фермер хўжалиги боғида томчилатиб суғоришни лойиҳа қилдим.

## I УМУМИЙ ҚИСМ

**1.1 Фермер хўжаликнинг жойлашган ўрни ва чегаралари.** Қамаш тумани Қашқадарё вилоятидаги туман. Туман 1937 йил 29 сентябрда ташкил этилган. 1962 йил 24 декабрда Қарши туманига қўшилган. 1964 йил 31 декабрда яна қайтадан ташкил этилган. Шимолдан Чироқчи, Яккабўғ, Шахрисабз туманлари, ғарбдан Косон тумани, жанубдан Ғузор, Дехқонобод туманлари, шарқдан Сурхондарё вилоятининг Бойсун тумани билан чегарадош. Туман майдони 2,66 минг км<sup>2</sup>. Туман маркази – Қамаш шаҳри.

**1.2 Фермер хўжаликнинг иқлим шарт-шароитлари.** Иқлими континентал, ўртача йиллик температура 7,2<sup>0</sup>. Январ ойининг ўртача температураси -4,6<sup>0</sup>, июлники 20,1<sup>0</sup>. вегетация даври текислик қисмида 240 кун, тоғли қисмларида 200 кун. Йиллик ёғин 327 мм дан (текисликда) 612 мм гача (тоғлик қисмида).

Рельефи текисликлардан иборат туманларда иқлим шароит қуруқ-иссиқ ёзи ва совуқ қиши билан характерланади. Қорли кунлар 10-20 кундан ошмайди, қорсиз қишлар ҳам бўлади. Ер юзасида ўтларнинг ўсиб чиқиши февраль ойининг бошида кузатилади. Март ойида ёғингарчилик натижасида тупроқ устки қатламлари намлиги максимал даражага етади, май ойида эса қуруқчилик бошланади.

Қамаш тумани ҳудудининг иқлим шароитини ифодаловчи асосий кўрсаткичлари асосан Қарши *метеорологик станцияси* томонидан олинган маълумотлар қўйидаги жадвалда берилган:

2.1-жадвал

| Метеорологик маълумотлар | Ўртача ойлик ҳаво ҳарорати С <sup>0</sup> |      | Йиллик ўртача ҳаво ҳарорати | Ўртача нисбий ҳаво намлиги |      |        | Ёғингарчилик, мм |       |        |
|--------------------------|-------------------------------------------|------|-----------------------------|----------------------------|------|--------|------------------|-------|--------|
|                          | январь                                    | июль |                             | январь                     | июль | Йиллик | январь           | июль  | Йиллик |
| Кўрсаткичлар             | 2,7                                       | 28   | 14,7                        | 69                         | 25   | 48     | 74,8             | 111,0 | 368    |

2.2-жадвал

| Буғланиш, мм |      |     |        | Йиллик намлик танқислиги | Шамолнинг ўртача тезлиги, м/с |     |        |
|--------------|------|-----|--------|--------------------------|-------------------------------|-----|--------|
| январ        | март | июл | йиллик |                          | январ                         | июл | йиллик |
| 33           | 49   | 325 | 1834   | 1532                     | 2,7                           | 2,8 | 2,6    |

**1.3 Тупроқ, геологик ва гидрогеологик шароитлари.** Туман ҳудуди ғарбдан шарққа 150 км, шимолдан жанубга 40-45 км га чўзилган. Ҳудуднинг ғарбий қисми рельефи асосан текисликдан иборат. Умумий майдонининг  $\frac{1}{4}$  қисмини Қарши дашти эгаллаган. Туман рельефи шарққа томон кўтарилиб боради, текисликлар, қир-адирлар, сўнгра паст ва баландроқ тоғлар алмашилиб келади.

Ҳисор тизмасининг жануби-ғарбий тармоқларидан бўлган. Чақчар тоғи вилоятдаги энг баланд тоғ бўлиб (Ката Хуросон, асли Ката Харсанг чўққиси, 3749 м). Қашқадарё ҳавзасини Сурхондарё ҳавзасидан ажратиб туради. Қашқадарё (туманнинг энг ғарбий текислик қисмида 30 км масофада оқиб ўтади) ва унинг ирмоғи Лангар асосий сув манбаларидир. Қашқадарё ҳавзасига кирувчи Яккабоғ дарё ва Ғузор дарёнинг юқори қисмлари (Қизил дарё, Тирнасой, Ката Ўрадарё) ҳам туман ҳудудидан сув олади. Қашқадарё вилоятидаги энг йирик Чимқўрғон сув омбори туман ҳудудида жойлашган. Хўжаликларни сув билан таъминловчи ариқ ва каналлар (Чим, Жанбуз, Таёқли, Сағанан кабилар) шу сув омборидан бошланади.

Ер ости сувлари асосан тоғдан йиғилган сизот сувлари ҳисобига тўпланади. Суғориладиган ерлар асосан ер ости сувлари, каналлар асосива ён томонларидан суғоришга берилган сувларнинг ерга шимилиши натижасида тўлдирилади. Ер ости сувларининг чуқурлиги 3,5-5,0 м ни ташкил қилади, суғориладиган ерларда унинг чуқурлиги 2-3 м гача кўтарилган. Ёз ойларида иқлим шароити иссиқ бўлганлиги сабабли ер ости сувларининг буғланиши ва ернинг устки қатламларида тузларнинг йиғилиши кутилади, бу эса тупроқларнинг шўрланишига олибкелади. Тузларнинг асосий таркиби сульфатли тузлар бўлиб, минералланиш даражаси 3-50г/л ни ташкил қилади.

Қашқадарё дарёси қирғоғидаги текислик ерларнинг 677 минг га ер майдони (47%) шўрланган, шу жумладан кучли шўрланган ерлар майдони 214 минг га. ни ташкил қилади.

Дарё қирғоғи текислигидаги суғориладиган ерлар майдони 1434 минг га ни ташкил этади; бундан 1056 минг га ерлар бонитети 1-даражали, яъни

махсулдорлиги юқори (1,0-0,9) бўлган ерлар, 331 минг га ерлар бонитети 2-даражали, махсулдорлиги ўртача (0,-0,7) ва 47 минг га. ер бонитети 3-даражали, махсулдорлиги паст (0,6-0,5) ерлар ҳисобланади.

**1.4 Хўжаликнинг мавжуд суғориш ва зах қочириш тизимлари ҳолати.** Қишлоқ хўжалиги асосан пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган. Тоғли ҳудудларда баҳорикор ғаллачилик (буғдой, арпа) ривожланган. Экин майдонларининг 9,8 минг гектар ерига пахта, 25,6 минг гектар ерига ғалла, шунингдек сабзавот ва картошка, ем-хашак экинлари экилади.

Хўжалик жойлашган ҳудуднинг сув захираслари майда муваққат сув оқимлари ва булоқ сувларидан ташкил топган. Сув оқимлари жами сув сарфи  $-8,1\text{ м}^3/\text{с}$  ни, булоқ сувлари сув сарфи йиғиндиси  $2,8\text{ м}^3/\text{с}$  ни ташкил этади. Сув билан таъминланганлик 50% ли йил учун сув ҳажми 1,36 млрд.  $\text{м}^3$  га, 70% ли таъминланганлик йилда сув ҳажми 1,05 млрд.  $\text{м}^3$  тенг.

Қамаши туманидаги «Феруз Жўра ўғли» фермер хўжалиги суғориладиган ерлари «Лойқасой» СИУ ҳудудида жойлашган. Мавжуд хўжалик ички суғориш тармоқлари асосан ер ўзанли ариқлардан иборат. Ариқлар йўналиши эгри-бугри, кўнгдаланг кесим эни ўзгарувчан, ён томонлари емирилиб, ювилган ва ёввойи ўтлар қоплаган, уларнинг чуқурлиги, кўндаланг кесими параметрлари техник норматив ўлчовларга тўғри келмайди. Хўжалик ички тармоқлардан сув олиш, сувни тарқатиб бериш қулоқлари гидротехника иншоотлар (сув ўлчаш ва ҳисобга олиш) билан кам таъминланган, бу эса экинларга ўз вақтида, керакли миқдордаги сув сарфини етказиб беришни мураккаблаштиради. Хўжалик экин майдонларига сув муваққат ариқлардан кўп сонли ишчи кучи сонидан фойдаланишни талаб қилади. Сувчиларнинг сув тарқатиш қобилятининг нотекислигини ҳисобга олсак, суғориш ва сувдан фойдаланиш режалари тўлиқ амалга ошиши 70-80 % дан ошмайди.

Хўжалик ички суғориш тизимларининг мавжуд ҳолатида манбадан олинган сув ҳажмининг кўп миқдори шимилишга ва буғланишга сарфланади.

Шу сабабли биз битирув малакавий ишимизда фермер хўжалигининг боғ майдонида томчилатиб ва эски тупроқ ўзанли суғориш тармоқлари ўрнига нов каналларини қуриш орқали такомиллаштириш хисобини кўриб чиқамиз.

### **Хулоса**

Республикамиз умумий сув истемолининг 85 фоизга яқини қишлоқ хўжалигида ишлатилади. Қишлоқ хўжалигига олинаётган сувларнинг тенг ярмига яқини ҳар-хил сабабларга кўра йўқолмоқда. Кўпроқ тупроқ ўзанли суғориш тармоқларидан пастки қатламга сингиб кетмоқда. Бунинг оқибатида сув танқислиги сезилмоқда ва ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашмоқда.

Шуларни инобатга олиб фермер хўжалигининг боғ майдонида томчилатиб ва тупроқ ўзанли суғориш тармоқларининг жойига БМИ нов ва юмшоқ қувурларни танладик. БМИда тежамкор суғориш усулидан фойдаланиш ва суғориш тармоқларини такомиллаштириш орқали фермер хўжалиги ЕФК, суғориш тармоқларининг ФИК ни кўтариш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш кўзда тутилган.

**“Қишлоқ хўжалик гидротехник мелиорацияси” кафедраси**

БМИ бажарувчи \_\_\_\_\_

Хайдаров Ориф Тоштурдиев \_\_\_\_\_

**Т О П Ш И Р И Қ**

1. Хўжаликнинг брутто майдони \_\_\_\_\_ 88 га \_\_\_\_\_

2. Хўжалик юритиш шакли \_\_\_\_\_ Фермерчилик \_\_\_\_\_

3. Хўжаликнинг йўналиши \_\_\_\_\_ Пахтачилик – ғаллачилик ва боғдорчилик \_\_\_\_\_

4. Хўжаликда экиладиган экинларнинг таркиби:

а) \_\_\_\_\_ Ғўза – 40,0% \_\_\_\_\_

б) \_\_\_\_\_ Буғдой – 40,0% \_\_\_\_\_

в) \_\_\_\_\_ Боғ – 20,0% \_\_\_\_\_

г) \_\_\_\_\_ Маккажўхори (Такрорий экин) – 40,0% \_\_\_\_\_

5. Ердан фойдаланиш коэффициенти \_\_\_\_\_ 0,9 \_\_\_\_\_

6. Хўжалик ички суғориш тизимининг ФИК \_\_\_\_\_ 0,9 \_\_\_\_\_

7. Ҳосилдорлик:

а) \_\_\_\_\_ Ғўза – 32 ц/га \_\_\_\_\_

б) \_\_\_\_\_ Буғдой – 60 ц/га \_\_\_\_\_

в) \_\_\_\_\_ Боғ – 92,7 ц/га \_\_\_\_\_

г) \_\_\_\_\_ Маккажўхори (Такрорий экин) – 268 ц/га (силос) \_\_\_\_\_

БМИ раҳбари: \_\_\_\_\_



## II-Техник қисм

**2.1 Фермер хўжаликнинг хисобий ер фонди.** Қашқадарё вилояти, Қамаш туманидаги «Феруз Жўра ўғли» фермер хўжалигининг умумий экин экиладиган ер майдони 88,0 га ни ташкил этади.

$$\Omega_{\text{ялпи}} = 88,0 \text{ га}$$

Фермер хўжалигининг хисобий нетто ер майдонини хисоблаймиз.

$$\Omega_{\text{ф.х}}^{\text{нет}} = \Omega_{\text{ф.х}}^{\text{бур}} \cdot \text{ЕФК} = 88,0 \cdot 0,9 = 79,2 \text{ га}$$

бу: ЕФК-ердан фойдаланиш коэффициенти

$$\text{ЕФК} = 0,88 \div 0,92$$

Юқорида келтирилган фермер хўжаликнинг табиий иқлим ва хўжалик шароитларидан келиб чиққан ҳолда, ушбу ерларда асосий мелиоратив тадбир бўлиб, суғориш ҳисобланади. Сабаби, суғоришсиз ушбу ерларда қишлоқ хўжалик экинларидан кўзда тутилган ҳосилдорликни олиб бўлмайди.

Бундан келиб чиқиб, шундай суғориш усули ва суғориш техникаси элементлари зарурки, қуйидагиларга жавоб бериши керак.

- энг юқори иш унумдорлигига эришиш;
- энг кам сув сарфланган ҳолда энг юқори самарадорликка эришиш;
- мелиоратив самарадорликка эришиш;
- суғориш тармоқлардаги шундай техник кўрсаткичларга эришишни, бунда сув исрофгарчилиги иккита элементда ҳам топшириқда берилган ФИК га яқин ҳолда ушлаб туриш.

Битирув малакавий ишидаги суғориш усули ва техникасини танлаш учун Н.Т.Лактаев томонидан қишлоқ хўжалик экинларини рационал суғориш усули ва техникасини аниқлаш бўйича районлаштирилган тавсияномасидан фойдаланамиз.

Суғориш техникасини районлаштиришга қуйидаги факторлар киради:

- 1.Тупроқларнинг сув ўтказувчанлиги;
- 2.Жойнинг ўртача нишаблиги ва рельефи;
- 3.Тупроқларнинг мелиоратив ҳолати;
- 4.Шамол тезлиги ва давомийлиги;
- 5.Агроиқтисодиёт талаблар.

Биз лойиҳалаштираётган «Феруз Жўра ўғли» фермер хўжалиги ерларининг ўртача нишаблиги 0,0024, шамол тезлиги ўртача 5-6м/с.

Юқорида келтирилган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда битирув малакавий ишимизда ғўза ва буғдойда ер устидан суғориш усулини боғда эса томчилатиб суғориш усулини қўллаймиз. Сабаби томчилатиб суғориш усулини қўллаш таннархи анча юқори бўлганлиги сабабли бир йиллик экинларда ер устидан, кўп йиллик экин яъни боғда томчилатиб суғориш усулини қўлладик.

Ер устидан суғоришда нов канал суғориш тармоқларидан юмшоқ қувурлар орқали суғориш тизимини кўриб чиқамиз.

Томчилатиб суғоришда сув қувур ва томчилатгичлар орқали босим остида илдиз тизими зонасига берилади. Намлаштириш нуктали ва чизиқли бўлади. Шунинг учун бу суғоришни маҳаллий суғориш ҳам дейилади. Кўпинча боғларни, узумзорларни, сабзавот ва полиз экинларини суғоришда самарали қўлланилмоқда.

Афзалликлари:

–механизациялаш ва автоматлаштириш даражаси юқори ва суғоришда кам меҳнат талаб қилади;

–буғланишга, фильтрацияга, сув кам исроф бўлади, ФИК юқори;

–тупроқ структураси яхши сақланади, эрозия бўлмайди;

–ўғитни сув билан бериш мумкин;

–суғориш нормаси камаяди;

–ЕФК юқори, автоматлаштиришга қулай;

Камчиликлари:

–қурилиш харажатлари юқорилиги;

–сув сифатига юқори талаб қўйиши, тозалаш зарурлиги;

–микроклимни яхшиламаслиги;

–полимер қувурлар тез ишдан чиқиши;

–босим талаб қилиши ва бошқалар.

Ҳозирги даврда Украина, Молдавия, Ўзгипроводхоз туркумидаги, чет-элларда Триклон, Диамонд, Кей-Эмиттер, Нетафим туркумидаги ва бошқа томчилатгичлар кенг қўлланилмоқда.

**2.2 Суғориш техникаси элементларини танлаш.** Томчилатиб суғориш техникаси элементларига, намлатиш манбаи (жойи), намлатиш контури, томизғичнинг сув сарфи, сув нуқталарининг сони ва жойлашиш схемаси, томизғичлардан томадиган сув сарфи қийматининг бир хиллиги, томизғичларнинг жойлашиш схемаси, намлантириш майдони киради.

Томчилатиб суғориш технологиясини қуриш катта капитал маблағларни талаб қилади. Шунинг учун бу усулни, ҚМ ва Қ 2.06.03-97 га кўра, юқори рентабелли қишлоқ хўжалик экинларини суғоришда, шунинг билан бир қаторда, бошқа суғориш усуллари қўллаш имконияти бўлмаган ва ката нишабли (0,03 дан катта) ёнбағир, сув ресурслари танқис, қийин ер рельефли, механик таркиби енгил ва сув эрозиясига мойил тупроқларда ҳамда кичик дебитли тоза сув манбали майдонларда қўллаш тавсия этилади.

Томчилатгичнинг техник кўрсаткичлари

| Томчилатгичнинг номи | Сув сарфини муттасил сақлаб турувчи техник усул | Сув оқиш тури |                | Ишчи сув сарфи, л/соат | Ишчи босим, м | Йўл қўйилган лойқалик, мг/л |
|----------------------|-------------------------------------------------|---------------|----------------|------------------------|---------------|-----------------------------|
|                      |                                                 | суғоришда     | ювишда         |                        |               |                             |
| КУ-І/Укр-гипроводхоз | Резинали диафрагма ёрдамида                     | Томчилатиб    | Узлуксиз томчи | 4,0                    | 10-60         | 30                          |

Эгатлаб суғориш техникаси элементларига эгат узунлиги ( $\ell_3$ ) эгатлар орасидаги масофа ( $a$ ) ва эгатга берилаётган сув сарфи ( $q_3$ ) киради.

Эгатлаб суғориш техникаси элементлари жойнинг ўртача нишаблиги, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги ва суғориладиган даланинг текислигига қарайди.

Фермер хўжаликнинг ўртача нишаблиги 0,0026, тупроғи ўрта қумоқ. Ушбу шароит учун Н.Т.Лактаев тавсиясига кўра қуйидаги эгатлаб суғориш техникаси элементларини қабул қиламиз.

- эгат узунлиги  $\ell_3$ - 350 м
- эгат сув сарфи  $q_3$ - 0,20 л/с
- эгатлар орасидаги масофа  $a$ - 0,9м

Фермер хўжалигининг экин турлари бўйича ер фондини тузамиз. Фермер хўжалиги асосан пахтачиликка ихтисослашган. Фермер хўжалигининг умумий ер майдонинг 40,0%-ғўза, 40,0%-буғдой, 20,0%-боғ ва 40,0%-такрорий экин жойлаштирилган.

Фермер хўжалигининг экин турлари бўйича ер майдонини аниқлаймиз.

а) Ғўза етиштирилаётган майдон.

$$w_{\text{ғўза}} = \frac{\Omega_{\text{ф.х.}}^{\text{нет}} \cdot n_{\text{ғўза}}}{n_{\text{умумий}}} = \frac{79,2 \cdot 40}{100} = 31,7 \text{ га}$$

бу ерда:  $\Omega_{\text{ф.х.}}^{\text{нет}}$  -фермер хўжалигининг нетто ер майдони, га.

$n_{\text{ғўза}}$  -ғўза экиладиган майдон, %

$n_{\text{умумий}}$  -умумий ер майдони, %

б) Буғдой экиладиган майдон

$$w_{\text{буғдой}} = \frac{79,2 \cdot 40}{100} = 31,7 \text{ га}$$

в) Боғ экиладиган майдон

$$w_{\text{боғ}} = \frac{79,2 \cdot 20}{100} = 15,8 \text{ га}$$

г) Такрорий экин экиладиган майдон.

Такрорий экин буғдой йиғиштириб олингандан сўнг ўрнига маккажўхори экилади.

$$w_{\text{т.э.}} = \frac{79,2 \cdot 40}{100} = 31,7 \text{ га}$$

Фермер хўжалигида етиштирилаётган экинлар майдони ва такрорий экинлар майдонларини қўйиб фермер хўжаликнинг экин турлари бўйича ер фондини ва гидромодуль ҳисобини бажариш учун ҳар бир экиннинг фоиз миқдорини жадвал кўринишда ифодалаймиз (2.2.1-жадвал).

2.2.1-жадвал Фермер хўжаликнинг экин турлари бўйича ер фонди.

| Т.р.<br>№ | Экин турлари  | Экин майдони<br>(нетто) га | Экин турларининг %<br>миқдори |
|-----------|---------------|----------------------------|-------------------------------|
| 1         | Ғўза          | 31,7                       | 40                            |
| 2         | Буғдой        | 31,7                       | 40                            |
| 3         | Боғ           | 15,8                       | 20                            |
|           | Жами          | 79,2                       | 100                           |
| 4         | Такрорий экин | 31,7                       | 40                            |

**2.3 Қишлоқ хўжалик экинларининг суғориш тартиби ва келтирилган гидромодуонинг ҳисоби.** Фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олиш учун ўсимликлар учун зарур бўлган асосий омилларга яъни ёруғликка, иссиқликка, озиқа элементларига ва ҳаво сувга бўлган талаб қондирилиши зарур. Ўсимлик учун асосий сув манбаи бу тупроқдаги намликдир.

Қирғоқчилик иқлим минтақаларида ёғингарчилик зарур бўлган тупроқ намлигини ҳосил қилмайди. Шунинг учун ўсимликларнинг сув билан таъминлаш катта аҳамият касб этади. Ўсимликларнинг физиологик хусусиятларига, илдиз системасининг ривожланиш қатламига ва ер усти органларига боғлиқ равишда турли хил ривожланиш фазаларида тупроқнинг турли хил намликларини талаб этади. Ҳамда бир хил миқдорда сув сарфланмайди. Шунинг учун экинлар суғоришининг энг мақбул муддатлари ва чеклари ҳамда далага бериладиган сув миқдорини аниқлаш зарур. Демак суғориш режими суғоришлар сони, муддати ва нормаларидан иборатдир. Қишлоқ хўжалик экинларининг мақбул суғориш режимини ўрганиш бўйича илмий текшириш, лойиҳалаш институтлари ва Республикадаги сув хўжалиги ташкилотлари шуғулланади. Республиканинг турли хил табиий шароитларида қишлоқ хўжалик тажриба станциялари тузилган бўлиб бу станцияларда агротехник ва мелиоратив тадбирлар билан бир қаторда қишлоқ хўжалик экинларининг суғориш режимининг ўрганиш бўйича ҳам ишлар олиб борилади. Натижада жуда кўп тажриба маълумотлари тўпланган ва қишлоқ хўжалик экинларини суғориш режимлари умумлаштирилган, ҳамда Ўзбекистон республикасининг турли хил табиий минтақалар учун мақбул суғориш режимлари тавсия этилган. Бу минтақалар тупроқнинг механик таркибига ва сизот сувларининг жойлашиш чуқурлигига боғлиқ равишда гидромодул районларига бўлинган.

Булардан ташқари гидромодуль районлаштириш қуйидаги омилларга ҳам боғлиқ

- а) суғориш объектининг жойлашиши;
- б) районнинг иқлим шароитлари;

в) районнинг сув билан таъминланганлиги;

г) хўжалик иқтисодий шароитлар.

Юқорида кўрсатиб ўтилган омиллар бўйича ҳисобланаётган фермер хўжалиги худуди жойлашиш ўрнига кўра Ж(жанубий), иқлим минтақа бўйича I, тупроқ шароитлари бўйича В поясига таълуқлидир. Гидрогеологик шароитларига кўра хўжалик худуди (б) тупроқ мелиоратив областига киради. Тупроқнинг механик таркиби ва сизот сувларининг жойлашиш чуқурлигига кўра V–гидромодуль районига киради. Демак фермер хўжалик Ж-I-В-б-V минтақасига киради.

Қишлоқ хўжалик экинларининг суғориш тартибини танланган минтақа учун «ЎзГИП» МЧЖ тавсияларига кўра қабул қиламиз.

Суғориш гидромодулининг қийматлари қуйидаги формула орқали ҳисобланади ва 3.3.1-жадвалда ёзилади:

$$q = \frac{m}{86,4 \cdot t} ; \text{ л/с га}$$

бу ерда;

m – қишлоқ хўжалик экинларининг бир галги суғориш меъёри, м<sup>3</sup>/га;

t – суғориш даврининг давомийлиги, кун.

Келтирилган гидромодуль қийматлари қуйидагича аниқланади;


$$\bar{q}_k = \frac{q_c}{100} \cdot \alpha ; \text{ л/с га}$$

бу ерда:  $\alpha$  – қишлоқ хўжалик экинларининг фоиз миқдори, %.

Ҳисобланган келтирилган гидромодуль қийматларидан келтирилган гидромодуль графиги чизилиб, унинг энг юқори қиймати (ординатаси) аниқланади (2.3.1-расм).

2.1-жадвал «Феруз Жўра ўғли» фермер хўжалиги қишлоқ хўжалик экинларига Ж-I-B-б-V тупроқ-иқлим ва гидромодул районлаштириши бўйича сув бериш тартиби.

| Тартиб № | Қишлоқ хўжалик экинлари ва улар банд қилган майдонлар ҳисобида | Мавсумий сув бериш меъёри, М м³/га | Сув бериш даври | Кўрсаткичлар               | Ойлар |       |       |       |       |      |      |      |       |       |    |     |
|----------|----------------------------------------------------------------|------------------------------------|-----------------|----------------------------|-------|-------|-------|-------|-------|------|------|------|-------|-------|----|-----|
|          |                                                                |                                    |                 |                            | I     | II    | III   | IV    | V     | VI   | VII  | VIII | IX    | X     | XI | XII |
| 1        | Гўза<br>α=40 %<br>31,7 га                                      | 5000                               | 1.06-15.09      | β, %                       |       |       |       |       |       | 22   | 38   | 32   | 8     |       |    |     |
|          |                                                                |                                    |                 | m, м³/га                   |       |       |       |       |       | 1100 | 1900 | 1600 | 400   |       |    |     |
|          |                                                                |                                    |                 | q <sub>с.б.</sub> , л/с га |       |       |       |       |       | 0,42 | 0,71 | 0,60 | 0,31  |       |    |     |
|          |                                                                |                                    |                 | q <sub>к.</sub> , л/с га   |       |       |       |       |       | 0,17 | 0,28 | 0,24 | 0,12  |       |    |     |
| 2        | Бугдой<br>α=40 %<br>31,7 га                                    | 3630                               | 20.09-15.05     | β, %                       |       | 18    | 17    | 14    | 11    |      |      |      | 15    | 25    |    |     |
|          |                                                                |                                    |                 | m, м³/га                   |       | 653,4 | 617,1 | 508,2 | 399,3 |      |      |      | 544,5 | 907,5 |    |     |
|          |                                                                |                                    |                 | q <sub>с.б.</sub> , л/с га |       | 0,27  | 0,23  | 0,20  | 0,31  |      |      |      | 0,63  | 0,34  |    |     |
|          |                                                                |                                    |                 | q <sub>к.</sub> , л/с га   |       | 0,11  | 0,09  | 0,08  | 0,12  |      |      |      | 0,25  | 0,14  |    |     |
| 3        | Боғ<br>α=20 %<br>15,8 га                                       | 4600                               | 21.05-15.09     | β, %                       |       |       |       |       | 5     | 24   | 32   | 28   | 11    |       |    |     |
|          |                                                                |                                    |                 | m, м³/га                   |       |       |       |       | 230   | 1104 | 1472 | 1288 | 506   |       |    |     |
|          |                                                                |                                    |                 | q <sub>с.б.</sub> , л/с га |       |       |       |       | 0,27  | 0,43 | 0,55 | 0,48 | 0,39  |       |    |     |
|          |                                                                |                                    |                 | q <sub>к.</sub> , л/с га   |       |       |       |       | 0,05  | 0,09 | 0,11 | 0,10 | 0,08  |       |    |     |
| 4        | Такрорий экин<br>α=40 %<br>31,7 га                             | 3800                               | 10.07-15.09     | β, %                       |       |       |       |       |       |      | 40   | 40   | 20    |       |    |     |
|          |                                                                |                                    |                 | m, м³/га                   |       |       |       |       |       |      | 1520 | 1520 | 760   |       |    |     |
|          |                                                                |                                    |                 | q <sub>с.б.</sub> , л/с га |       |       |       |       |       |      | 0,84 | 0,57 | 0,59  |       |    |     |
|          |                                                                |                                    |                 | q <sub>к.</sub> , л/с га   |       |       |       |       |       |      | 0,34 | 0,23 | 0,23  |       |    |     |
|          | Жами                                                           |                                    |                 | q <sub>к.</sub> , л/с га   |       | 0,11  | 0,09  | 0,08  | 0,17  | 0,26 | 0,73 | 0,57 | 0,68  | 0,14  |    |     |



**2.4 Фермер хўжалиги ички суғориш тармоқларининг сув сарфларини аниқлаш.** Лойиҳалаштирилаётган фермер хўжалиги умумий нетто ер майдони 79,2 га бўлганлиги сабабли, биз ушбу майдонни сувдан фойдаланиш бирлик майдони деб ҳисоблаймиз ва фермер хўжалиги ички суғориш тармоқларининг сув сарфларини ҳисоблаймиз.

Фермер хўжалигига берилаётган сув сарфи қуйидагича аниқланади.

$$Q_{\phi.x}^{нет} = \Omega_{\phi.x}^{нет} \cdot \bar{q}_{max} = 79,2 \cdot 0,73 = 57,8 л / с$$

бу ерда:

$\Omega_{\phi.x}^{нет}$  - фермер хўжалигининг нетто ер майдони, га;

$\bar{q}_{max}$  - келтирилган гидромодуль графигининг энг юқори ординатаси л/с га.

Минимал сув талаб давридаги фермер хўжаликка бериладиган сув сарфини ҳисоблаймиз:

$$Q_{\phi.x}^{min} = \Omega_{\phi.x}^{нет} \cdot \bar{q}_{min} = 79,2 \cdot 0,292 = 23,1 л / с$$

бу ерда:

$$\bar{q}_{min} = 0,4 \cdot \bar{q}_{max} = 0,4 \cdot 0,73 = 0,292 л / с.га$$

Боғ майдонидаги суғориш тармоқларининг сув сарфларини ҳисоблаш.

Суғориш найчаларининг оралиғи экинларнинг қатор оралиғига тенг, томчилатгичларнинг ўзаро оралиғи экинлар орасидаги масофага тенг. Масалан, боғларда 6 х 6, токзорларда эса 3 х 2. томчилатиб суғоришдаги кичик миқдор қуйидаги боғланишда аниқланади.

$$M_0 = \frac{0,67}{100} \cdot g \cdot \frac{\Pi \cdot d^2}{4} \cdot h \cdot (b_{ч.д.н.с.} - b_i) = 0,0067 \cdot 1,3 \cdot \frac{3,14 \cdot 3^2}{4} \cdot 1 \cdot (21,8 - 15,9) = 0,36 м^3$$

бу ерда:  $b_{ч.д.н.с.}$  - тупроқнинг оғирлигига нисбатан олинган тўла дала нам сифими;

$b_i$  - тупроқнинг суғоришдан олдинги намлик миқдори куруқ тупроқ оғирлигига нисбатан олинади;

$h$  – тупроқнинг намланадиган чуқурлиги, м;

$d$  – намланишнинг юза бўйича ўлчами, ( $d=3$  м боғ учун ва  $d=1$  – токзор учун);

0,67 – намланиш ҳажмига аниқлик киритувчи қиймат;

$\gamma$  - куруқ тупроқнинг ҳажмий оғирлиги, т/м<sup>3</sup>.

$$t = \frac{1000 \cdot M_0}{n \cdot d} = \frac{1000 \cdot 0,36}{2 \cdot 4,0} = 45 \text{ соат}$$

бу ерда:  $n$  – битта экинга қўйилган томчилатгич сони, дона ;

$d$  - бир томчилатгичнинг сув сарфи, л/с.

1га майдонга бир галги сув бериш учун кетадиган сув миқдори

$$m = N \cdot M_0 = 277 \cdot 0,36 = 99,72 \text{ м}^3 / \text{га}$$

бу ерда:  $N$ - 1 га суғориш майдонидаги экинларнинг сони, дона

1 га майдонга сарф бўладиган мавсумий сув бериш миқдори.

$$M = m \cdot K = 99,72 \cdot 25 = 2493 \text{ м}^3 / \text{га}$$

Бу ерда:  $K$ -мавсумда қабул қилинган сув беришлар сони. Боғлар учун:  $K=25$ ; токзор учун  $K=20$ .

Суғориш найчасининг сув сарфи

$$Q_{\text{с.н.}}^{\text{нето}} = Q_{\text{том}} \cdot n = 4 \cdot 132 = 528 \text{ л} / \text{соат} = 0,147 \text{ л} / \text{с}$$

Бу ерда:  $Q_{\text{том}}$  -томчилатгичнинг сув сарфи, л/с;

$n$  – томчилатгичларнинг сони, дона.

Дала қувурининг сув сарфи

$$Q_{\text{д.к.}}^{\text{нето}} = Q_{\text{с.н.}}^{\text{нето}} \cdot n_{\text{с.н.}} = 0,147 \cdot 16 = 2,352 \text{ л} / \text{с}$$

$n_{\text{с.н.}}$  -дала қувуридан сув оладиган суғориш найчаларининг сони.

Модул майдончасининг сув сарфи

$$Q_{\text{м.м.}}^{\text{нето}} = 2 \cdot Q_{\text{д.к.}}^{\text{нето}} = 2 \cdot 2,352 = 4,704 \text{ л} / \text{с}$$

Тарқатувчи қувурнинг сув сарфи

$$Q_{\text{т.к.}}^{\text{нето}} = Q_{\text{м.м.}}^{\text{нето}} \cdot n_{\text{м.м.}} = 4,704 \cdot 2 = 9,408 \text{ л} / \text{с}$$

$n_{\text{м.м.}}$  -бир тарқатувчи қувурдан сув оладиган модул майдончаларининг сони.

Шох қувурнинг сув сарфи энг кўп сув истеъмол қиладиган ойнинг сув сарфлари билан ўзаро боғланган:

$$Q_{\text{нетто}} = w_{\text{т.с.}}^{\text{нетто}} \cdot q_{\text{э.к.}} = 15,8 \cdot 0,73 = 11,6 \text{ л / с}$$

$w_{\text{т.с.}}^{\text{нетто}}$  – томчилатиб суғориш учун ажратилган суғориш майдони, га;

$q_{\text{э.к.}}$  – ЭНГ кўп сув истеъмол қиладиган ойнинг гидромодули оординатаси қиймати, л/с. га

Асосий экин турларига бериладиган сув миқдори

$$Q_{\text{А.э.м}}^{\text{нет}} = Q_{\text{ф.х.}}^{\text{нет}} - Q_{\text{Бог}}^{\text{нет}} = 57,8 - 9,34 = 48,46 \text{ л / с}$$

Шоҳарикнинг сув сарфи

$$Q_{\text{ш.а.}}^{\text{нет}} = \frac{Q_{\text{А.э.м}}^{\text{нет}}}{n_{\text{ш.а}}} = \frac{48,46}{1} = 48,46 \text{ л / с}$$

бу ерда:

$n_{\text{ш.а}}$  - бир вақтда ишлайдиган шоҳариклар сони.

Шоҳарикнинг сув сарфи аниқ бўлгач бу сув сарфининг қийматини юқорида қабул қилинган суғориш усулининг сув сарф лари билан боғлаймиз. Бу ўринда ер устидан суғориш усулининг шоҳарик - эгулувчан қувур – суғориш эгати тузилмасини кўриб чиқамиз. Бундай суғориш тузилмаларида муваққат тармоқларига қуйидаги талаблар қўйилади.

1. Сув ташувчи қувур суғориш муддати икки кундан ошмаслиги керак.

$$t_{\text{с.т.к.}} = \frac{w_{\text{с.т.к.}} \cdot m}{86,4 \cdot Q_{\text{э.к.}}} \leq 2 \text{ кун} \quad 1,7 \text{ кун} \leq 2 \text{ кун}$$

$$t_{\text{с.т.к.}} = \frac{w_{\text{с.т.к.}} \cdot m}{86,4 \cdot Q_{\text{э.к.}}} = \frac{7,92 \cdot 900}{86,4 \cdot 48,46} = 1,7 \text{ кун}$$

бу ерда:

$w_{\text{с.т.к.}}$  - сув ташувчи қувур суғорадиган майдон, га;

$Q_{\text{э.к.}}$  - сув ташувчи қувур учун қабул қилинган сув сарфи, л/с.

Сув ташувчи қувурнинг сув сарфи қуйидаги боғлиқликдан топилади.

$$\frac{m \cdot w_{\text{с.т.к.}}^{\text{нет}}}{86,4 \cdot 2} \leq Q_{\text{с.т.к.}}^{\text{нет}} = \frac{Q_{\text{ш.а.}}}{n_{\text{с.т.к.}}} \leq 70 \div 80 \text{ л / с}$$

$$41,2 \leq 48,46 \leq 70 \div 80 \text{ л / с}$$

бу ерда:

$w_{с.т.к.}^{нет}$  - сув ташувчи қувурдан суғориладиган майдон;

$$w_{с.т.к.}^{нет} = \frac{w_{дала}^{нет}}{n_{с.т.к.}} = \frac{31,7}{4} = 7,92 \text{ га}$$

$$\frac{m \cdot w_{с.т.к.}^{нет}}{86,4 \cdot 2} = \frac{900 \cdot 7,92}{172,8} = 41,2 \text{ л/с}$$

